

Ўзбекистонда ва жаҳонда суверен фондлар инвестицион фаолияти

Иномжон Тураевич Жуманиязов
Нозимахон Омонulloхоновна Садыкова
Тошкент молия институти

Аннотация: Жамғарма ёрдам бериш ва ёрдам олишга бўлган эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган ресурсларни яратувчи ва амалга оширувчи восита ҳисобланади. Жамғарма ўзининг уставда белгиланган мақсадларда тўпланган маблағларни тақсимлаш мақсадида тузилган юридик мақомга эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Оддий тилда айтганда жамғарма (фонд)қайсидир маънода йиғиш воситасидир. Ушбу мақолада фондлар (жамғармалар) хаёида умумий маълумотлар, республикамиздаги ва жаҳондаги йирик суверен фондлар хақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: фонд, суверен, суверенд фондлар, ифтисодиёт, молиявий ёрдам, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, инвестиция, тадбиркорлик, модернизация

Investment activities of sovereign funds in Uzbekistan and the world

Inomjon Turaevich Jumaniyazov
Nozimakhon Omonullochonovna Sadykova
Tashkent Financial Institute

Abstract: A foundation is a vehicle that creates and distributes the resources necessary to provide assistance and meet the need for assistance. The Foundation is a non-profit organization with a legal status established for the purpose of distributing funds collected for the purposes specified in its charter. Simply put, the fund is, in a sense, a collection tool. This article provides general information about funds, information about large sovereign funds in our republic and the world.

Keywords: fund, sovereign, sovereign funds, economy, financial assistance, recovery and development fund, investments, entrepreneurship, modernization

Кириш

Фондлар ҳозирги даврдаги кенг тарқалган молиявий ёрдам кўрсатувчи иқтисодиётнинг тармоғи сифатида ривожланган. Жамғармалар фуқароларнинг

ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, касалликларни даволашда кўмаклашиш, таълим олиш, истеъдодларни ривожлантиришга хизмат қилади. Давлат миқёсида оладиган бўлсак жамғармалар мамлакат ижтимоий иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

Суверен фонд (миллий фаровонлик фонди) молиявий активлари акциялар, облигациялар, мулклар, қимматбаҳо металллар ва бошқа молиявий воситалардан иборат булган давлат инвестиция фондларидир. Кўпгина суверен фондлар мамлакатнинг экспорт операцияларидан тушган тушумлар орқали молиялаштирилади. Энг катта машхур жамғарма сифатида Ногвегия Давлат пенсия жамғармасини эътироф этиш мумкин.

Адабиётлар шарҳи. Тадқиқотчилар давлат суверен фондларини шакиллантиришнинг бир неча босқичлари борлигини таъкидлашади. Улардан бири иқтисодчи Руслан Ибраев¹ ривожланишнинг уч босқичи борлигин таъкидлайди. Улар 1953-60 йиллар, 1961-90 йиллар ва учинчи босқич 2000 йилдан бошланиб то ҳозирги кунгача бўлган даврни ичига олади. П.А. Левчаевнинг «Внебюджетные фонды» асарида нодавлат фондларнинг теоретик, методологик ва бюджетдан ташқари фондларнинг амалий асослари очиб берилган.²

М.В.Данилиниа 2020 йилда чоп эттирган “суверен фондлар мамлакат иқтисодий хавфсизлиги механизми” номли ўқув қўлланмасида асосий эътиборни суверен жамғармалар томонидан активларни тўғри тақсимлашнинг самарадорлигин ошириш, шунингдек давлат бюджетига нефт ва газ орқали тушудиган тушумларни барқарорлаштиришга қаратиш келтирилган³.

Тижорат самарадорлиги - у ёки бу дастур ёки лойиҳанинг молиявий харажатларни қоплашни ифодаласа, бюджет самарадорлиги – қўйилган мақсадни амалга ошириш учун бюджет даромадлари харажатларидан юқори бўлишини ифодалайди. Ижтимоий самарадорлик эса – жамиятнинг қўйган ижтимоий мақсадлари ва манфаатларини қондириш учун ижтимоий неъматлар яратишнинг унумдорлигини ифодалайди.

Таҳлил ва натижалар. Илк маротаба суверен фонд атамаси 2005 йилда Andrew Rozanovнинг мақоласида иқтисодий термин сифатида ишлатилган.⁴

Бутун дунёда йигирмадан ортиқ суверен фондлар фаолиятини олиб бориб келмоқда. Улардан энг йириклари молиялаштириш манбааси нефт бўлиб Араб давлатларига тўғри келади. Қуйида суверен фондлар маблағлари кулами қуранишида келтирилган.⁵

¹ <https://ria.ru/20210603/blagosostoyanie-1735494319.html>

² П.А. Левчаев «Внебюджетные фонды» НИЦ ИНФРА-М. 2021й.

³ Данилина М.В. “Суверенные фонды как механизм обеспечения экономической безопасности страны” Русайнс. 2020й.

⁴ «Who holds the wealth of nations» Central Banking Journal май 2005 йил, 4-сон

⁵ <https://ru.wikipedia.org>



1-расм. Жаҳондаги энг йирик фондлар.

Иқтисодийнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга ошириш мақсадида 2006 йил 11 майда Президентнинг ПФ-3751 сонли фармони имзоланиди. “Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тарққийёт жамғармаси ташкил этиш тўғрисида”ги қарор асосида ташкил этилган жамғарма шу кунгача фаолият олиб бориб келмоқда. Ташкилот юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлиб бевосита Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бўйсуниб Вазирлар Маҳкамаси унинг муассиси ҳисобланади.

Тикланиш ва тарққийёт жамғармаси фаолияти давомида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини, биринчи навбатда истиқболли лекин ривожланмаган ҳудудларда шакиллантириш, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини модернизация ва ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик миллий ижтимоий аҳамиятга эга давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштиради бундан ташқари Республиканинг халқаро алоқа тармоғига интеграциялашуви учун шарт шароитлар яратиш, халқаро транспорт йўлакларига ва жаҳон бозорларига энг қисқа муддатларда чиқишини таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тарққийёт жамғармаси халқаро молия институтлари, республика ва хорижий давлатларнинг кредит ташкилотлари билан биргаликда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

Ташкилотининг энг йирик лойиҳаларидан баъзиларини кўриб чиқамиз:

- Тахиатош иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 280 МВт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестицион лойиҳасининг амалга

оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 11 сентябрдаги №ПҚ-3264 сонли қарори асосида амалга оширилган. Лойиҳанинг асосий мақсади Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти истеъмолчиларини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, электр ва иссиқлик энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ёқилғи ресурсларини тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланишдан иборат бўлиб лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, шундан 300 миллион АҚШ доллари Осиё тараққиёт банкининг инвестиция маблағлари, 230,7 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари, 27,3 миллион АҚШ доллар ўз маблағлари ва 120,2 миллион АҚШ доллари Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани қўллаб-қувватлашдаги улуши ҳисобланади.

Юқоридагилардан ташқари президент фармонлари асосида Сурғул кони негизида Устюрт газакимёкомплексини ташкил этишда иштирок этган. Ушбу комплекс 2015 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ бўлиб уни 19 та халқаро банк ва молия институтлари, жумладан Hermes, China Development Bank (Хитой тараққиёт банки), Korean Export-Import Bank (Корея экспорт-импорт банки), K-Sure, ADB (Осиё тараққиёт банки) дан иборат консорциум молиялаштирган. Лойиҳа "Project Finance International" журналі томонидан "Энг яхши газ-кимё йўналиши бўйича энг яхши битим" мукофоти ҳамда "Euromoney" журналінинг "Йилнинг нефт-кимё битими" номинациялари ғолиби бўлган.

Мамлакатимизда ягона булган миллий АЖ "Uzbekistan Airways" авиакомпаниясига тегишли 2та Dreamliner фонд томонидан молиялаштирилган. Самалётлар 13 600 километрлик масофани юқори қулайликларда бошқа самалётларга нисбатан 30 фоиз камроқ сарф харажатлар асосида амалга оширади.

Хулоса. Жаҳон бозорида ва мамлакатимиздаги фондлар фаолиятини ўрганиш якунида шуни хулоса сифатида айтиш мумкинки, фондлар барча мамлакатлари сингари мамлакатимиз иқтисодининг, ижтимоий ахволнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга ва молия бозорининг ривожланишида ажралмас давлат бюджети кўмакчиси сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари суверен фондларни ташкил қилиш бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси қўлида тўпланиб қолаётган бўш пул маблағлари, мамлакатимиздаги мавжуд юқори инвестицион манбаалар (арзон хомашё ва табиий бойликлар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги юқори имкониятлар, иқтисодий-ижтимоий сиёсат) инобатга олиб, иқтисодиётга инвестицияларни кенг ва самарали жалб қилишнинг дунё тажрибасидан келиб чиқиб энг синалган жамоавий инвестициялашнинг энг самарали тури бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2016 йил 11 майдаги ПФ-3751 сонли “Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тарққиёт жамғармаси ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
2. LEX.uz интернет портали.
3. Wikipedia.org
4. Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли кенгаши. Султонбоева М.Б. “Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари”
5. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил. Жуманиёзов И.Т. “Суверен фондлар фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари”
6. П.А. Левчаев «Внебюджетные фонды» НИЦ ИНФРА-М. 2021й.
7. Данилина М.В. “Суверенные фонды как механизм обеспечения экономической безопасности страны” Русайнс. 2020й.
8. Jumaniyozov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 109-116.
9. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. *International Journal of Management Science and Business Administration*, 4(2), 84-88.
10. Jumaniyozov, I. (2020). ISSUES OF ENSURING THE TRANSPARENCY OF SOVEREIGN WEALTH FUNDS. *International Finance and Accounting*, 2020(5), 1.
11. Jumaniyozov, I. (2020). FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN FUNDS. *International Finance and Accounting*, 2020(2), 1.
12. Jumaniyozov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), 30-37.
13. Жуманиязов, И. Т. (2016). Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. *Наука, образование и культура*, (7 (10)), 27-28.
14. Жуманиязов, И. Т. (2016). Направления использования средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. *Economics*, (7 (16)), 28-29.
15. Jumaniyozov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlantirish istiqbollari. *Science and Education*, 3(5), 1637-1645.

16. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. *Science and Education*, 3 (5), 1628-1636.

17. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. *Science and Education*, 3 (5), 1646-1654.

18. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. *Science, research, development № 16. Monografiya pokonferencyjna*.

19. Jumaniyazov, I., & Xaydarov, A. (2023). The importance of social insurance in social protection. *Science and Education*, 4(1), 1033–1043. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/4941>

20. Inomjon, J. (2023). GENDER BYUDJETLASHTIRISHDA DAVLAT MOLIYAVIY NAZORATINING O'RNI. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(6), 1187-1191.

21. Бахронов, Ж., & Жуманиязов, И. (2023). Партиципатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарблиги. *Science and Education*, 4(2), 1486–1493. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5234>

22. Davlatboyeva, M. S. qizi, & Jumaniyazov, I. T. (2023). Yashil byudjetlashtirish va uni O'zbekistonda joriy etish istiqbollari. *Science and Education*, 4(2), 1509–1516. Retrieved from <https://opendscience.uz/index.php/sciedu/article/view/5237>

23. Jumaniyazov, I. T. (2019). Evaluation criteria for the efficiency of sovereign funds. *Global science and innovations 2019: Central Asia. In International scientific conference.–Nur-Sultan (Kazakhstan) (Vol. 340, pp. 226-229)*.

24. Jumaniyazov, I. T. The significance of Uzbekistan reconstruction and development fund's financial capital on economic growth of Uzbekistan. *International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom ISSN*, 2348, 0386.

25. Jumaniyazov, I., & Mahmudov, M. (2022). Experience of foreign countries in attracting foreign investment. *Asian Journal of Research in Banking and Finance*, 12(5), 32-37.

26. Jumaniyozov, I. T., & Abdumannobov, A. M. (2020). MANAGING PUBLIC DEBT. In *Ключевые проблемы современной науки* (pp. 3-7).

27. Jumaniyozov, I. T., & Bakhodirkhujayev A.F. (2020). ISSUES AND CHALLENGES FOR THE IMPLEMENTATION OF MACROPRUDENTIAL POLICY IN UZBEKISTAN. In *Ключевые проблемы современной науки* (pp. 8-11).